



АГРАР СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎЛЛАРИ

Топилдиев Сохибжон Рахимжонович

ТДИУ "Фундаментал иқтисодиёт" кафедраси
иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) в.б. профессор

Аннотация. Ушбу мақолада қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, пахта экин майдонларини қисартириш, интенсив боғларни ташкил этиш ва ерларни мелоратив холатини яхшилаш йўллари таҳлил этилган. Шу билан бирга "Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси"да қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар бўйича ҳулосалар тақдим этилган.

Калит сўзлар: фермер, озиқ-овқат, озуқа, пахта, дон, сабзавот, коллектор, дренаж, қудуқ, агротехнология, гидротехник, мелиоратив.

ПУТИ РАЗВИТИЯ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА В НОВОЙ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ПОЛИТИКЕ УЗБЕКИСТАНА

Топилдиев Сохибжон Рахимжонович

Кафедра ТДИУ "Фундаментальная экономика"
доктор экономических наук (DSc)

Аннотация. В статье анализируются пути последовательного развития сельскохозяйственного производства, дальнейшего укрепления продовольственной безопасности страны, сокращения посевных площадей под хлопок, создания интенсивных садов и улучшения мелиорации земель. В то же время «Стратегия развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» дает заключения по задачам, поставленным перед развитием сельского хозяйства.

Ключевые слова: Фермер, продовольствие, корм, хлопок, зерно, овощи, коллектор, дренаж, колодец, агротехника, гидравлика, мелиорация

THE WAYS OF AGRARIAN DEVELOPMENT IN NEW ECONOMIC POLICY OF UZBEKISTAN

Topildiev Sakhbijon Rakhimjonovich

TDIU "Fundamental economics" department
Doctor of Economic Sciences (DSc)

Abstract. This article analyzes consistent development of agricultural production, further strengthening the country's food security, reducing cotton seeding lands, establishing intensive orchards (fruit gardens) and improving land reclamation. At the same time, "The New Uzbekistan Development Strategy for 2022-2026" presents conclusions on the tasks to set up agriculture development.

Key words: Farmer, Food, feed, cotton, grain, vegetables, collector, drainage, well, agrotechnology, hydraulic, reclamation.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февраль 4947-сонли фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” кейинги беш йил мабойнида мамлакат ривожланиш ва янгиланишининг энг асосий қоидалари ва чоратadbирларини ўзида акс эттирганлиги учун ҳам уни шу даврнинг кичик Конституцияси, деб атасак ҳам бўлади.

Бу “кичик Конституция” худди Ўзбекистон Республикаси Конституциясидек, шахс, жамият ва давлатга тааллуқли муносабатларни янада такомиллаштиришга хизмат қиладиган қонун, фармон ва қарорлар қабул қилишни асосий вазифа қилиб белгиланган. Шу маънода у қонун устуворлиги тамойилини янада янги сифатларга кўтарувчи ҳужжатдир.

Ўзбекистонда 2017-2021 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясини амалга оширишда ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида республикамизда амалга оширилаётган ислохотларни дунё мамлакатларида қўлланилаётган моделлар асосида қишлоқ хўжалигини янада такомиллаштиришга қаратилган.

Мамлакатимизда 2017 йилда бошланган янги иқтисодий сиёсат аграр тармоқда ҳам алоҳида ўрин тутди. 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947 сонли 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича “Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган муҳим вазифаларни бажариш, шу билан бирга жаҳон тажрибалари асосида аграр соҳани ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини яратиш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш Ўзбекистоннинг янги иқтисодий сиёсатини амалга оширишда аграр соҳани ривожлантиришда муҳим ва долзарб ҳисобланади Фармон (2017).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланганларидек қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар, ер майдонлари тўлиқ хусусий кластер ва кооперацияларга берилгани пахтачиликда ҳосилдорликни бир йилда ўртача 10 фоизга ошириш имконини яратди.

Мева-сабзавотчилик, ғаллачилик ва чорвачиликда ҳам 500 га яқин кластер ва кооперациялар фаолияти йўлга қўйилди. Бунинг натижасида, пандемиянинг салбий таъсирига қарамасдан, 1 миллиард долларлик мева-сабзавот экспорт қилинди.

Бу йил 91 минг гектар ер майдони қайтадан фойдаланишга киритилди. 133 минг гектар ёки ўтган йилга нисбатан 2 баробар кўп майдонда сувни тежайдиган технологиялар жорий этилди¹¹⁶.

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларини кўпайтиришда энг тез натижа берадиган омил бу – қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик ва самарадорликни кескин оширишдир.

Адабиётлар шарҳи.

Ўзбекистонда аграр соҳада иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш масалаларига мамлакатимиз иқтисодчи олимлари Алтиев (2018) Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш муаммоларини бартараф этиш йўллариини таклиф этган.

Таджибаева (2020) Миллий иқтисодиётда институционал ўзгаришлар самарадорлигини оширишнинг назарий асосларини такомиллаштириш йўллариини ишлаб чиққан.

Топилдиев (2020) Мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоларини бартараф этишнинг назарий асосларини ўз илмий тадқиқотларида ёритиб берган

Тошқулов (2021) Қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодий фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантиришни бўйича фикр мулоҳазаларини бериб ўтган. Бироқ, аграр соҳада айнан иқтисодий муносабатларни тартибга солишдаги муаммолар умумлаштирилган илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

¹¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29 декабрь 2020 йил.

Тадқиқот методологияси.

Илмий абстракция, индукция ва дедукция, ҳодисаларга узвийликда ёндашиш, статистик таҳлил, математик гуруҳлаш, график тасвирлаш, комплекс ёндашув, тизимли ва қиёсий таҳлил, сегментлаш ва прогнозлаш усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Бунда ҳар гектар ердан олинadиган даромадни ҳозирги ўртача 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор вазифа қилиб қўйилади. Бунинг учун қишлоқ хўжалигига энг илғор технологиялар, сувни тежайдиган ва биотехнологияларни, уруғчилик, илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқларни кенг жорий этишимиз лозим.

Аввало, фермер ва деҳқонларнинг ердан манфаатдорлигини ошириш керак. Манфаатдорлик ва адолат бўлган жойда, албатта, ўзгариш ва ўсиш бўлади. Бу борада ердан фойдаланиш ҳуқуқларини кафолатлаш ва ерларни бозор активларига айлантириш масаласини кўриб чиқиш вақти келди.

Шунинг учун ердан фойдаланиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий қийматини белгилаш ва молиявий оборотга киритиш механизмларини жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш зарур.

Келгуси йили барча вилоятларда Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар марказлари ташкил этилиб, уларда “ягона дарча” тамойили асосида 100 дан ортиқ агрохизматлар кўрсатиш йўлга қўйилади. Бу марказлар орқали ернинг сифатини яхшилашга эришилади.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, рақамлаштириш, ернинг унумдорлигини ошириш, замонавий агротехнологияларни жорий этишга илк бор 600 миллион доллардан зиёд кредит ва грант маблағлари жалб қилинади.

Сувни тежайдиган технологиялар жорий этиладиган ер майдонлари 5 баробарга кўпайтирилиб, 430 минг гектарга етказилади, 90 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Харажатлар стратегиясини учунчи Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишини 3.3.бандидаги Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш бўйича амалга ошириш лозим бўлган вазифаларга эъбор қаратсак¹¹⁷:

-таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш;

-пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ёғ олинadиган экинларни экиш, шунингдек, янги интенсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш;

-фермер хўжаликлари, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат ҳамда қадоқлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги қайта ишлаш корхоналарини қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш, ташиш ва сотиш, агрокимё, молиявий ва бошқа замонавий бозор хизматлари кўрсатиш инфратузилмасини янада кенгайтириш;

-суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш;

¹¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича “Харажатлар стратегияси” 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.

- паст рентабелли экин майдонларида пахта ва ғалла етиштиришдан кўриладиган зарарни 80 млрд. сўмга қисқартириш;
- кўшимча 1 млн. тоннага яқин мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- ҳудудларда 48,5 мингдан ортиқ янги иш ўринларини ташкил қилиш натижасида ушбу экин майдонларида банд бўлган аҳоли сонини 75,6 мингга етказиш;
- мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажмини 2 баробар ошириш.
- замонавий агротехнологиялар асосида юқори ҳосилдорликка эга бўлган, эртапишар ҳамда ширин таъмга эга пакана ва ярим пакана дарахтларни экиш орқали интенсив боғ ва узумчиликни ривожлантириш ва дунё бозорларида харидоргир экспортбоп мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш белгиланган. жумладан:
 - мавжуд паст рентабелли боғ ва токзорларни босқичма-босқич, йилига 10 фоиздан ёки 26,4 минг боғ ва 14,1 минг токзорларни интенсив усулга ўтказиш;
 - янги ташкил этилаётган ва мавжуд интенсив боғ ва токзорларга босқичма-босқич йилига 5,7 минг гектардан томчилатиб суғориш тизимини жорий қилиш;
 - республика тупроқ-иқлим шароитига мос пакана ва ярим пакана дарахт кўчатлари ва пайвантаклари етиштириш ҳажмини камида 7000 мингтага ошириш;
 - бевосита мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш учун ажратилган қишлоқ хўжалиги экин майдонларида томчилатиб суғориш тизимини жорий қилиш учун сув ҳавзалари, йирик сув ўлчаш сиғимлари, бирламчи совитиш тизимлари ва совиткич камералари ҳамда технологик жараёнларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа объектлар қуриш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш;
 - истиқболли ва дунё бозорларида талаб юқори бўлган экспортбоп интенсив боғ мевалари кўчатларининг навларини синаш ва уларни республика ҳудудида экишга тавсия этиладиган қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритиш;
 - ташкил этилаётган интенсив боғларда замонавий минерал ва органик ўғитлардан ҳамда касаллик, зараркунандалар ва бегона ўтлардан муҳофаза қилувчи кимёвий воситалардан фойдаланиш тизимини уларни Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ишлатилиши рухсат этилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхатига киритиш орқали ташкил қилиш назарда тутилган.
- Фикримизча ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида қишлоқ хўжалиги экин майдонларини мақбуллаштириш, бунда:
 - пахта экин майдонларини 49 минг гектарга ва ғалла майдонларини 10 минг гектарга қисқартириш лозим.

1-жавдвал

Қисқартирилган экин майдонларига бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш 2017-2021 йилларда (минг гектар ҳисобида)

1	картошка	8,1 минг гектар
2	сабзавот	27,2 минг гектар
3	интенсив боғ	5,9 минг гектар
4	токзор	2,9 минг гектар
5	озуқа экинлари	10,9 минг гектар
6	мойли экинлар	4 минг гектар

Боғ ва токзорлар майдонларини кенгайтириш ва уларнинг эскирган ва яроқсиз майдонларини, Боғ ва токзорлар майдонларини янгилаш натижасида ер унумдорлиги ошиши ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширилади.

2016 йилдаги жами мевали боғлар майдонида интенсив боғларнинг 10 фоиз улушини 2020 йилга келиб 30 фоизга ортиши натижасида уларнинг ҳосилдорлиги камида 3-4 мартага ошди.

Ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, интенсив боғдорчиликни ривожлантириш, томчилатиб суғориш тизими асосида қишлоқ хўжалиги экин майдонларини кенгайтириш, бевосита маҳсулот етиштириш ҳудудида инновацион технологияларни жорий қилиш ҳисобига қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш тизимини такомиллаштирилмоқда. Айниқса суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация ва мелиорация объектларини ривожлантириш, уларнинг хавфсиз ва барқарор ишлашини таъминлаш, сув ресурсларидан оқилона ва тежамли фойдаланиш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш барқарорлигига эришилади.

2-жадвал

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ирригация ва мелиорация объектларини ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларда амалга оширилиши лозим ишлар

1	Магистрал, туманлараро, хўжаликлараро коллекторларни,	734,9 км
2	Ёпиқ-ётиқ дренаж тизимлари	348,3 км
3	Мелиоратив насос станциялари	6 дона
4	Мелиоратив тик қудуқларни	79 дона
5	Мелиоратив объектлардаги гидротехник иншоотларни қуриш ва реконструкция қилиш	131 дона
6	Очиқ коллаторлар	14537,2 км
7	Ёпиқ-ётиқ дренаж тармоқларини	1330,5 км
8	Мелиоратив насос станциялари	15 дона
9	Мелиоратив тик қудуқлар	791 дона
10	Мелиоратив объектлардаги гидротехник иншоотларини таъмирлаш ва тиклаш	2277 дона

Фикримизча 2020-2021 йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишларнинг самарадорлигини танқидий таҳлил этиб бориш зарур.

Коллектор-дренаж ва ирригация тизимларини, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини ва сув билан таъминланганлик даражасини комплекс ўрганиш натижасида 2022-2026 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш;

- 270,5 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини барқарор сақлаш, 276,2 минг гектар суғориладиган ерларни сув билан кафолатли таъминлаш, пудрат ташкилотларининг техник таъминотини оширишга эришилади.

- Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мева-сабзавот, картошка ва узум ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, ички бозорда уларга бўлган нархлар кескин ошишининг олдини олиш:

- мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш лозим.

3-жадвал

**Мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмларини
Ошириш 2017-2021 йилларда фоиз ҳисобида**

1	Сабзавот	105,7%,
2	Картошка	106,3%,
3	Полиз	106,1%,
4	Мева	106%
5	Узум	105,7%,
6	Гўшт	105,6%
7	Сут тухум	108,1%,
8	Балиқ	120%
9	Асал	118,2 %га;

Шу билан бирга 394 гектар майдонга 503 та иссиқхона хўжаликлари ва 6885 та аҳоли шахсий томорқаларидаги 176 гектар майдонда иссиқхоналар қуриш мақсадга мувофиқ.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ички бозорни маҳсулотлар билан тўлдириш, аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқиб фикримизча аҳоли томорқалари ва деҳқон хўжаликларида муқобил электроэнергия манбаларидан фойдаланиладиган енгил конструкцияли иссиқхоналар ташкил этиш;

- шахсий томорқалардан фойдаланиш, деҳқон хўжалиklarини юритиш, мавжуд ер участкаларидан самарали ва оқилона фойдаланиш ва улардан юқори ҳосил ва даромад олиш бўйича замонавий технология ва тажрибаларни тарғибот қилиш ҳамда тарқатиш;

- аҳоли томорқа ва деҳқон хўжаликлари мавжуд имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, янги иш ўринларини шакллантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш ҳамда турмуш даражасини яхшилашга эришилади.

- хўл мева ва қайта ишланган маҳсулотларни сақлаш ва экспортга жўнатиш мақсадида умумий ҳажми 132,2 минг тонналик 184 та музлаткичли омборларини ташкил қилиш ва 1,4 минг тонналик 4 та музлаткичли омборларни модернизация қилиш;

- алмашлаб экиш тартибини қўллаган ҳолда, узоқ муддатга қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришни режалаштириш;

- кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигини барқарор ҳамда самарали ривожлантиришни таъминлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шу жумладан:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотишда фермер хўжаликлари кооперациясини ривожлантириш, қишлоқ жойларда маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича кичик корхона ва уларнинг бўлимларини ташкил этиш;

- қишлоқ хўжалигини молиялаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар билан ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ва таклифлар.

“Ҳаракатлар стратегияси”да белгиланган муҳим вазифаларни тўлиқ бажариш натижасида аграр соҳани ривожлантиришга эришилади. Шу билан бирга жаҳон тажрибалари асосида аграр соҳани ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини яратиш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш орқали Ўзбекистонда изчиллик билан амалга ошириладиган янги иқтисодий сиёсат аграр соҳани ривожланишига олиб келади.

Ҳаракатлар стратегиясидан “Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси” сари интилоқда. “Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси”да қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича куйидаги вазифалар белгиланган¹¹⁸:

1. Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш назарда тутилган.

Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали йиллик ўсиш суръатларини камида 5 фоизга етказиш ва даромадни камида 2 баравар ошириш.

Туманларни аниқ маҳсулот турини етиштиришга ихтисослаштириш.

Қишлоқ хўжалигида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қўламини кенгайтириш ва суғурталашнинг янги механизмларини амалга ошириш.

Янги ва фойдаланишдан чиққан 464 минг гектар майдонни ўзлаштириш ва кластерларга очиқ танлов асосида ажратиш. 200 минг гектар пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш ҳамда аҳолига очиқ танлов асосида узоқ муддатли ижарага бериш.

Экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини 3 марта ва иссиқхоналарни 2 марта кўпайтириб, экспорт салоҳиятини яна 1 миллиард долларга ошириш.

Тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш.

Илм-фан ва инновацияга асосланган агрохизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш. Агросаноат корхоналарини хомашё билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш ҳажминини 1,5 баравар ошириш.

Агрологистика марказларини ривожлантириш ва замонавий лабораториялар сонини кўпайтириш. Уруғчилик ва кўчат етиштириш бўйича миллий дастурни амалга ошириш.

Нуфузли халқаро илмий марказлар ва олий таълим муассасалари билан биргаликда Халқаро қишлоқ хўжалиги университети ташкил этиш. Аграр соҳада илм-фан ва амалиёт интеграциясини чуқурлаштириш.

Аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш.

Республика ҳудудларида ўрмонлар майдонини кенгайтириш ва ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланиш. Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

2. Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш.

¹¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси” Фармони лойиҳаси. 2022 йил 15 январь.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига ҳар йили камида 7 миллиард куб метр сувни иқтисод қилиш.

Сув хўжалиги объектларида электр энергияси истеъмолини 7,3 млрд.кВт. соатдан 6,9 млрд.кВт. соатгача камайтириш.

Сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида бошқариш мақсадга мувофиқ.

“Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси”да қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича кийинги 5 йилликда муҳим вазифаларини жумладан, қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали йиллик ўсиш суръатларини камида 5,0 фоизга етказиш ва даромадни камида 2 баробар ўсишини таъминлашда кластер тизимлари орқали даромаадларни 2 баробар ошириш ҳамда Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳисобига ҳар йили камида 7 миллиард куб метр сувни иқтисод қилиш, сув хўжалиги объектларида электр энергияси истеъмолини 7,3 млрд.кВт. соатдан 6,9 млрд.кВт. соатгача камайтириш ва сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида ривожлантириш мумкин.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Алтиев А.С. (2018) Ер ресурсларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш муаммолари. – Т.: Фан. Монография -274 б.;

Таджибаева Д. (2020) Миллий иқтисодиётда институционал ўзгаришлар самарадорлигини оширишнинг назарий асосларини такомиллаштириш. (Ўзбекистон Республикаси аграр соҳасида мисолида) Иқт. фан. док. ... дис. автореф. - Т.: ЎЗРИИВА. – 81 б

Тошқулов (2021) Қишлоқ хўжалиги корхоналари иқтисодий фаолиятини солиқлар воситасида раҳбатлантириш. 2021 йил

Топилдиев С.Р. (2020) Мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоларини бартараф этишнинг назарий асослари. “Ўзбекистон Республикасининг ҳаракатлар стратегияси: Макроиқтисодий барқарорлик, инвестицион фаолият ва инновацион ривожланиш истиқболлари” мазусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 10-11 декабр 2020 йил Тошкент. 577-583 б.

Фармон (2017) Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.